



# ТОШКЕНТ ОҚШОМЛИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 144 (9.947)

2003 ЙИЛ 24 ИЮЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА сатрларда

□ **БУГУН** «Ўзэкспромказ» да Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси ҳамкорлигида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қарийб 200 нафар корхоналар маҳсулотларини намойиш қилиш мақсадида «Мини-тех-2003» кўргазмаси ўз ишینی бошлади.

□ **БУГУН** Бектемир туманидаги «Бахт» кўлида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ташаббуси билан «Сўнги қаҳрамон» деб номланган спорт тадбири бўлиб ўтди.

□ **«SOS»** — Болалар маҳалласида Буюк британиялик сайёҳ Ричард Мередет ва унинг ҳамроҳи билан учрашув бўлиб ўтди.

□ **ШАҲРИМИЗДА** фаолият кўрсатаётган «Сафо» овоз ёши студияси эълон қилган пойтахтимиздаги махсус мусика билим юрталари ўқувчилари иштирокидаги «Юлдазлик сари» кўрик-танловининг якуний босқичи ниҳоясига етди.

□ **ТОШКЕНТ** шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва шаҳар Оксоқоллар Кенгашининг олти ойлик иш якунлари ҳамда келгуси режаларга бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

□ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ўтказилган кутубхоначилар фаолиятини яхшилашга хизмат қилувчи адабиётлар сонини ошириш масаласига бағишланган анжуманда шу соҳа вакиллари иштирок этишди.

□ **МАННОН** Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида абитуриентларнинг қобилиятини синаб кўриш мақсадида ижодий имтиҳонлар бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва Ҳў мухбирларимиз хабарларидан.

Сергели туманидаги «Poytaxt Sergeli savdo markazi» очик акционерлик жамияти ҳудудида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат мулкни кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан барча туманлардаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг доимий кўргазмаси очилди.

## МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ



Юртимизда кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётгани, тадбиркорларга давлатимиз томонидан кенг имконият, шарт-шароитлар яратилаётгани сир эмас. Ушбу кўргазма ҳам ана шундай имкониятлардан биридир. Негаки кўргазмага қўйилган барча маҳсулотлар чиройли қадоқланган, сифатли рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида изланаётган тадбиркорлар меҳнатининг меvasи, ёрқин кўринишидир.

Кўргазма Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Алишер Каримов қисқача кириш сўзи билан очиб, мазкур тадбирдан кўзланган мақсад ва вазифаларга тўхталди.

Кўргазмада шаҳардаги 50 дан ортик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш қилинмоқда.

Дарҳақиқат, «Tashkent tea factory» кўшма корхонасининг севимли Тошкент чойлари, «TUFIN» Ўзбекистон — Исроил кўшма корхонаси, «Дероз» хусусий савдо ишлаб чиқариш кор-

### • КЎРГАЗМАЛАР



хонасининг харидоригр шоколад-қандолатчилик маҳсулотлари аллақачон ўз харидорларини мамнун қилиб келмоқда. Бундан ташқари, кўргазмада қатнашган «Цимбалов» хусусий корхонасининг сифатли «Монарх» майонезлари, «TYGEN» тижорат фирмасининг Россия технологиялари асосида тайёрланган қолбаса маҳсулотлари, «BAKT BLOL», «IMKON PLUS» хусусий-тижорат ишлаб чиқариш фирмаларининг мазали музқаймоқлари, ёш тадбиркорлар томонидан тайёрланаётган турли салқин ичимликлар ва бошқа кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам кўпчилигининг эътиборини тортмоқда.

Шунингдек, кўргазмадан сифатли, оммабоп, нисбатан арзон кўплаб турдаги қоғоз ва матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Offic Market» хусусий фирмаси ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг турли товарлари ўрин олган.

— Кўргазмага қўйилган маҳсулотларни кўриб, кўзингиз кувнади, — дейди улгурчи савдо билан шуғулланувчи тад-

биркор Васи́ла Жўраева. — Изланишлар, сай-ҳаракатлар натижаси бўлган маҳсулотлар сифати, турлари, қадоқлиши хорижийликдан ҳеч ҳам қолишмаслиги билан харидорларга маълум бўлмоқда. Улар ҳамшаҳарларимизнинг тўкин, баракали дастурхонлари кўрки ҳисобланади.

Кўргазмада айланар экансиз, юртимизда тадбиркорлик йилдан йилга ривожланиб, улар тайёрлаётган маҳсулотларнинг харидорбоп турлари кўпайиб, сифати ортиб бораётганига амин бўлаемиз. Энг муҳими эса маҳаллий хом ашёмиз ҳисобиغا бозорбоп товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига ички бозоримизни тўлдирishi тадбиркорларнинг асл мақсадига айланганлигидир.

Доимий ишлайдиган ушбу кўргазма иқтисодийтизим ривожига муҳим ҳисса қўшишига ишонамиз.

**МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:** кўргазмадан ўрин олган маҳсулотлар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

## ХУШСАВОС

Барча мавбалардан олганинг сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида мамлакатимиз маданий ва илмий ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй берди. Кўп жылдли универсал Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг навбатдаги 5-жилди нашрдан чиқди.
- Самарқанд тиббиёт институтининг кўз касалликлари шифохонаси ҳузурида кўз касалликлари лазерли микрожарроҳлик усули билан даволал халқаро маркази ташкил этилди.
- Оҳангарондаги «Оҳангаронтемирбетон» очик акциядорлик жамиятида йиғма темир-бетон маҳсулотлар, темир-бетон устунлар билан бирга кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.
- Тошкентдаги Замонавий санъат марказида «Голливуднинг олтин асри» деб номланган плакатлар кўргазмаси очилди. Шунингдек, кўргазма давомида Америка киноижодкорлари томонидан яратилган энг сара бадиий ва ҳужжатли киноленталар ҳам намойиш этилади.
- Олтинсой туманида 800 ўқувчига мўлжалланган саноат йўналишидаги янги касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. Шу билан вилоятдаги касб-хунар коллежларининг сони 28 тага етди.
- Юқори Чирчиқ туманининг Аҳмад Яссавий ширкат ҳўжалиги марказидаги Суранкент қишлоқ шифохонаси қайта таъмирланиб, «Нуроний» физиотерапия шифохонасига айлантирилди.

### Жаҳонда

- Австрия пойтахти Венада коррупцияга қарши конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича махсус Кўмитанинг 6-сессияси ўз ишینی бошлади.
- Европа комиссияси кеча мамлакатлар ҳукуматлари фермерларга генетик жиҳатдан модификациялашган ўсимликларни ўстиришни ман этишлари мумкин эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилди.
- АҚШнинг собиқ Президенти Жимми Картер сентябрь ойида Шинмолий Кореяга бориши ва Пхеньяннинг ядро дастури билан боғлиқ вазиятни ечишга ҳаракат қилиши мумкин.
- Ироқ шимолидаги Мосул шаҳрида ўтказилган махсус операция чоғида Садам Хусайннинг икки ўгли Удей ва Кусейлар йўқ қилинган.
- Либерия ҳукумат кўшинлари ва исёнчилар ўртасида юз бераётган тўқнашувлар туфайли ҳозирга қадар 600 дан ортик киши ҳалок бўлганлиги тўғрисида мамлакат мудофаа вазири Даниэл Чи маълумот берди.
- Рейтер агентлигининг хабар беришича, Париждаги машҳур Эйфель минорасининг теле ва радио жиҳозлар ўрнатилган юқоридаги техник қаватида ёнгин чиққан. Бироқ у тез орада бартараф этилган.

## Тошкентим — боғу бўстоним

Ёз фаслининг айни жазирама палласи — чиллани ўтказаямиз. Айниқса, ўтган ҳафтада ҳаво ҳарорати ниҳоятда кўтарилиб кетди. Халқимизда Чилла — синов даври деган ҳикматилик нақд бор. Зеро, чилла пайтида кўп мевалар пишиб-етилди, баҳор ойида ўтказилган ёки пайванд қилинган янги кўчларнинг саратон иссиғига мослашганлари кўкариб кетади. Бундан ташқари «Чилла суви — тилла суви» деган ибора ҳам борки, чилла пайтида мунтазам суғори турилувчи экинлар ва дарахтлар гуркираб, бараваж ўсади.

Ҳаво ҳарорати қанчалик юқори бўлмасин яшиллик яратиш, дов-дарахтлар ва экинларни парвардлашга муҳим эътибор қаратишимиз керак.

**Иқтисодиёт**

**ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР**

Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида ҳаракат қилувчи трамвай, троллейбусларга эҳтиёт қисмларни етказишда «Rep-ELTRANS» очик акциядорлик жамиятининг ўрни муҳимдир.

Корхонанинг трамвай, механика, мотор, кузов цехлари талаб даражасида жиҳозланиб, катта куч билан уриладиган болга, босим остида рангли қўйма тайёрлайдиган машина, электр двигателларнинг чулғамларини ва куумли озиқлантирадиган қурилма, балансировкалаш ва чархлаш дастгоҳлари ва бошқа ускуналар каби буюртмаларни сифатли бажариб келмоқда.

— Айни кунларда жамоамиз истиқлолимизнинг 12 йиллиги муносабати билан 5 миллион сўмлик пойтахт кўчаларини ёритадиган мосламалар устида иш олиб бормоқда — дейди корхона раҳбари Шомақсуд Шоёқубов. — Ходимларимизнинг ижодий изланишлари самараси натижасида Россиядан келтириладиган «МК» ғалтақлари корхонамизда ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари бир ойда 2-3 та трамвайларни капитал таъмирдан чиқармоқдамиз. Ишлаб чиқариш маҳсулотларининг янгидан-янгий шакллари яратиш учун корхона маъмурияти ижодий изланишлар олиб бормоқда, шаҳар кўчаларини тунги ёриткичлари, «РІО» ишлаб чиқариш, «ДЭУ» автобусларининг эшик механизмлари шулар жумласидандир.

**Транспорт**

**ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР ОЛИНАДИ**

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Чукурсой акционерлик жамиятида «Тошшаҳар йўловчи транс» Давлат уюшмасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда уюшма тасарруфидagi корхоналарнинг дам олиш оромоҳларида болаларга яратилган шарт-шароитлар, автобус корхоналарининг ёқилғимойлаш маҳсулотларига тўловининг аҳволи, уюшма таркибидagi корхоналарнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги, тозалик, техник ва ёқилғи хавфсизлиги қай аҳволдалиги ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда сўзга чиққан йўловчиларни ташишни ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Равель Сулаймонов шаҳримизда фаолият юритаётган корхоналарнинг бугунги аҳволини таҳлил қилиб, жорий йилда келадиган янги автобусларга ҳайдовчиларни тайёрлаш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари ҳам автокорхоналарда тагбиқ этилаётган янгиликлар, Мустақилликнинг 12 йиллигига тайёргарлик ҳақида маълумот беришди.

Шажло ХОШИМОВА

1. Мустақиллик — олий незмат, энг улкан бахтимиз деб бежизга баралла айтмаймиз. Негаки, ота-боболаримиз эзгу-ниятларига, бир умрлик орзуларига биз авлодлар эришдик. Энг муҳими, дилимизга эрк кирди. Нимани фикрласак, орзу қилсак айта оладиган, истасан юмушимиз билан шугуллана олиш имкониятига эга бўлдик. Истиқлол шахсан менинг орзуларимга қанот бўлиб, тадбиркорлик билан шугулланиш, ўз она юртимда жaxon андозалари даражасидаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини, эл-юртга танилиш бахтини берди.

2. Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган улкан шарт-шароитлар, катта имконият ва қўлаб-қувватлашлардан оқилона фойдаланган ҳолда 1996 йилда «MIRSAZAVA» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини очишга муваффақ бўлдик. Электроника ускуналари ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда 18 хил маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдик. Биринчи йилда 10 миллион сўмлик маҳ-

сулотни 16 нафар ишчи ходимнинг билим ва изланишлари эвазига ишлаб чиқардик.

Тадбиркорликни қўлаб-қувватлашга қаратилган ҳар бир ҳужжат ишимиз ривожига хизмат қилаётганидан мамнумимиз. Шу боисдан ҳам ишлаб

ларидан буюртмалар туша бошлади. Маҳсулотимиз нафақат талаблар даражасида эканлиги, балки нархи хорижникидан бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунга келиб, уларнинг тури 50 дан ортиб кетди.

лишмоқда. «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан чиқарилган маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда. Бугун тадбиркорлик соҳасида юз бераётган ўзгариш ва янгиликлар Истиқлол шарофати эканлигини яна бир бор таъкидлаган бўлардим. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш, мамлакатимиз довругини жаҳонга ёйиш, «Элим деб, юртим деб» ёниб яшаш юрагиди ўти бор ҳар бир ватандошимизнинг бурчидир.

3. Келажакни, албатта ўзимиз яратамиз, ўзимиз бунё, этамиз. «Ўзбекистон — келажакни буюк давлат» эканлигини жаҳон ахлига исботлаш ҳар биримизнинг қўлимизда. Бунинг учун ҳар биримиз ўз соҳамизда изланишларни асло бўшаштирмаймиз лозим. Биз жамоамиз билан жуда катта мақсадлар йўлида меҳнат қилаймиз. Насиб этса фирмамиз яқин келажакда ўз харидорларини янги турдаги рангли телевизор ишлаб чиқариб мамнун этиш ниятида. Бугунги ёшларимизнинг ҳаракати, янгиликка интилиши, яратувчанлигини кўриб келажакимиз ишончли кўлларда эканлигига ишонаман.

**12**  
O'ZBEKISTON

**КЕЛАЖАГИМИЗ ИШОНЧЛИ КЎЛЛАРДА**

**«Тошкент оқшоми» анкетаси саволларига «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлган, пойтахтимиздаги «MIRSAZAVA» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг бош директори Баходир МИРҲАБИБОВ жавоб беради.**

чиқариш ҳажмини бир неча баробарга оширишга, қўшимча ишчи ўринларни яратишга муваффақ бўлдик. Энг қувонарлиси, ўтган йили «Ташаббус» кўрик-танловининг шаҳар босқичида ғолиби бўлиб «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлдик. Маҳсулотларимизнинг сифати, рақобатбардошлиги ортиб, яқин хориж давлат-

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик равнақига берилган катта эътибор, бу эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги, иқтисодиётимиз ривожидagi улкан ҳиссасидир. Ана шу тўғрисида тадбиркор ишлаб чиқарувчилар нафақат ички бозоримизни тўлдирishга эришмоқда, балки жаҳон бозоридa ўз ўрнига эга бўлишга инти-

**• ТРАНСПОРТ**

**Ёшларга ибрат бўлишмоқда**

Автотранспорт бошқаришининг машаққати, ўзига яраша роҳати ҳам бор. Фараз қилинг, ҳали тонг ёришмаган палла, барча ширин уйкуда. Шундай роҳатли вақтда, ҳайдовчи халоватини тарк этиб, дастлабки йўловчиларга хизмат қилиш учун қадрдон уловчи томон отланади. Саройга келади-да машинанинг техник ҳолатини яна бир синовдан ўтказилади. Қаҳратон қиш пайтлари уни кўздан кечириш, белгиланган йўналишга чиқиб, яхмалак ва ўнқир-чўнқир ерларда эҳтиёткорлик билан бошқариш, йўловчиларнинг характерини топиб муомала қилиш, ёзда ҳаво ҳарорати юқори бир пайтда асфальтнинг иссиғи етмагандек моторнинг тафти қўшилиб ҳайдовчини баттар лоҳас қилишига чидаш бу мардликнинг бир нишонаси. Машина чамбарагини айланттирувчи ана шу қийинчиликларга мардонавор кўникса, йўловчилар дуосини албатта олади.

Абдурасул Абдуворисов етакчилигидаги 65-автобус йўналишига қийинчиликлардан қўрқмайдиган, юқоридаги хизмат кўрсатиш талабларига жавоб берадиган забардаст йигитлар йиғилган. Йўналиш жамоаси кунига 80 минг йўловчи манзилни яқин қилиш билан бирга 44.300 қақирим йўлни хатарсиз босиб ўтишга муваффақ бўлмоқда.

— Қасбиндан барака топаман десанг, аввал инсон бўл, сента ишониб топширилган техникани кўз қорачигингдек авайлаб сақла, машинани бошқараётганингда теварак-атрофдаги ҳайдовчиларни ёшидан қатъи назар ҳурмат қил, асло шошма, йўловчиларга хушфезъл ва меҳрибон бўл, — деб ҳамиша насихат қиларди илгор ҳайдовчи Абдуворисов ака ўғли Абдурасулга.

Дона ва фахрли ҳайдовчининг дилидан қайнаб чиққан бу фойдали маслаҳатларни ўзига «қўлланма» қилиб олган кишининг йўли доим равон, хатарсиз тугайди, иши унумли, юзи ёруғ бўлади. Бу хислатларнинг ҳаммаси Абдурасул Абдуворисовда мужжасам.

Қорақамниш мавзеси — Пахтакор метро бекати орасида ҳаракат қилувчи 65-автобус йўналишида доим йўловчилар гавжум. Йўналиш сардори Абдурасул Абдуворисов давлат рақами 02-80 ТНИ машинани сезгир ва чаққонлик билан бошқаради. Охирги бекатга бориб келиш масофаси 22 қақирим, йўналишга бириктирилган 5 та

«Мерседес-Бенц» автобуслари 12-13 дақиқа оралигида 26-28 рейс қилишга эришмоқда. Кундалик режа ҳам жойида, 78.600 сўм кира ҳақини йиғиб олиш учун қанчадан-қанча машаққатлар, юзлаб йўловчи манзилни яқин қилишга билимдон касб эгалари керак. Режани адо этиш кўп жиҳатдан чипта сотувчига ҳам боғлиқ. Олима Усмонова, Людмила Девяткина, Бахтиёр Тўхтасинов, Алима Усмонова-лар ҳайдовчилар билан ҳамжиҳатликда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатган ҳолда ёшларга ибрат бўлмоқдалар.

— «Мерседес-Бенц»ни бошқаришнинг ўзи бир роҳат, — дейди йўналиш сардори, биринчи тоифали ҳайдовчи Абдурасул Абдуворисов биз билан суҳбатда. — Ҳайдовчиларга энг қулайлиги — тезликни ошириш ва тушириш «оёқ педали» билан бошқарилади. Салон кўринишлари бежирим, чамбарагини айланттириш энгил, ёниги ҳам кам сарфланади. Шунинг учун ҳам кўп афзалликларга эга бу машина фақат малакали ва юксак интиқилда ҳайдовчиларга ишониб топширилмоқда. Ўз касбининг заҳматкашлари Ҳабибулла Садуллаев, Дилмурод Каримов, Марсель Габитов, Абдурахмон Юсупжоновлар бу талабга «лаббай» деб жавоб берадилар. Улар йўловчиларни манзилларга етказишда, хизмат сифати ва маданиятини оширишда зиммаларидаги вазифаларини ибратли адо этиб келмоқдалар.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ



Ҳақимжон Солимов олган сурат.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ташкил этилган «Фидокор-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати жамоаси хизмат сифатига, буюртмаларни вақтида бажаришга эътиборни қучайтиришдан.

**СУРАТДА:** ширкат ҳисобчиси Дилора Асаминова ва кадрлар бўлими ходими Гавҳар Худойберганаовлар иш устида.

**• ТАДБИРЛАР**

**Огоҳлик — давр талаби**

Шайхонтохур туманидаги «Қоратош» маҳалла гузарида тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, «Камолот» ЕИҲ туман кенгаши, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жойларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган тузилма ва комиссиялар раислари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва педагог-тарбиячилар иштирокида «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан туман ИИБ бошлиғи ўринбосари А.Раҳимов, туман «Посбон» маркази раиси Ж.Жонибеков, «Хадра» маҳалласи раиси Т.Муслимовлар айрим қўшни мамлакатларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда туманда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар ходимлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, «Маҳалла посбони» тузилмалари аъзолари ва педагог-тарбиячилар жойларда олиб бориши лозим бўлган масалаларга яна бир бор тўхталиб ўтдилар. Сўзга чиққанлар А.Навойи номли Санъат саройида «Огоҳлик масъулиятдир» мавзусида бўлиб ўтган йиғилишдаги кўрсатмалар ва тақлифлар туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва ўзини ўзи бошқариш органи фаоллари учун дастуруламал бўлиб қўлиши лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Даврон НУРМАТОВ


# Тошкентим — боғу бўстоним

— Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг Ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ва гидротехник иншоотлар трести қарамоғида бўлган бизнинг «Марказий» бошқармаимиз Тошкент шаҳри марказий кўчаларига гул ва дарахтлар экиб, уларни парваришлаш ишлари билан шуғулланади.

Бошқармаимиз тасарруфида 127,8 га кўкаламзорлар бўлиб, игна баргли арчалар, манзарали дарахтлар, ҳар-хил атир гуллар, кишки ва ёзги гуллардан ташкил топган. Ҳар йили эрта баҳордан бошлаб, шаҳримиз кўчаларининг ҳуснига ҳун қўшиш учун аввало ёзги гулларни экишга ерларни тайёрлаш ишлари бошланади. Ерлар яхшилаб чопилиб, органик ва минерал ўғитлар билан ўғитланади. Январь, февраль ойларида игна баргли арчалар (қарағай, можжевельник, туя, қумуш ранг ва яшил (ель) арчалар) экиш ишлари бошланади. Ушбу арчалар давлат ҳўжалигида етиштирилиб, тагидаги тупроқ қатлами 40x40x40 тўртбурчак ёки думалоқ шаклида қавлашиб, дарахт атрофидаги ер қатламлари қотирилиб тайёрланади. Ушбу тайёрланган игна баргли арчаларни ўзига мўлжалланган яшиқларга жойлаштирилиб экиш учун автотранспортда ташиб олиб келинади. Тайёрланган чуқурларга чиринган маҳаллий органик ўғит, кул ва қарағай кипиқлари аралаштирилиб солиниб, жуда эҳтиёткорликда, дарахт танасидаги ер қатламларини тушириб юбормасдан, аста-секин арча дарахтларни экиш лозим. Экиб бўлгандан

## ҲАММАСИ ПАРВАРИШГА БОҒЛИҚ

Неъматилла НУРМАТОВ,  
ихтисослашган қурилиш-таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш  
ва гидротехник иншоотлар трести қарамоғида бўлган «Марказий»  
бошқармаси раҳбари ўринбосари:



сўнг чуқур атрофидаги ерлар юмшатилиб дарахт атрофида солинади ва экилган дарахт чуқурига ҳаво кирмаслиги учун устидан сув қуйилиб тупроқ қатлами яхшилаб босилади. Очiq илдииз билан экиладиган манзарали дарахтлар ҳам шу усулда ўтказилади ва мавсум давомида агротехника ишлари олиб борилади.

2003 йилда бошқармаимиз томонидан: 724 дона арча дарахти, 90 дона манзарали дарахтлар (қоратол, япон сафораси, терак) ўтқазилиб, парваришланапти.

Уларни парвариш қилиш учун трестимиз қарамоғида бўлган Ёмғирлатиб сўғориш бошқармаси томонидан сув билан таъминлаш ишлари олиб борилади. Бошқарма ходимлари ер ости сувларини насос станиялари орқали етказиб беришади. Бундан ташқари, махсус автокорхонаимиз томонидан дарахт ва гулларни сўғориш учун ҳар кун 8-10 дона сув ташишга мосланган автотранспорт билан таъминлаб турилади.

Бугунги кунга келиб бошқармаимиз муҳандис-техник ходимлари ва ишчилари шаҳримиз кўрқига чирой қўшиш ишларини кенг қўламада олиб бормоқдалар. Экилган дарахтларимиз яшил либосда. Шаҳримиз аҳолисини қислород (тоза ҳаво) билан таъминлашда ушбу дов-дарахтларимизнинг ҳиссаси катта бўлганлиги боис ҳам унинг парваришига уста бобонларимиз алоҳида эътибор беришади. Албатта, ҳар бир дарахт маромида парвариш қилинсагина ўсади, чирой очади. Биз буни ҳаммиша ёлда тутамиз.

### • ЎСИМЛИКЛАР ДҮНЁСИ

#### КАЛЕНДУЛА

Кўп йиллик ҳамда бир йиллик ўтсимон гуллар оиласига киради. Ун бешдан зиёд хиллари мавжуд. Манзарали боғдорчиликда асосан доривор календула кенг тарқалган. Унинг бўйи 20-75 сантиметрга чўзилади. Буталари ёйилувчан ёки ихчам бўлиб ўсиши мумкин. Гуллари ўта хидли.



Календула очiq майдонларни хуш кўради. Совуққа чидамли, парваришга ўч эмас. Қуриган гуллари вақтида кесиб турилса, календула қиш киргунига қадар гуллайверди. Ёзнинг қуруқ, иссиқ кунлари кўп сўғориш лозим, акс ҳолда гуллари майдалашиб кетади.

Календула уруғи билан кўпайтирилади. Бу ўсимликни кеч кузда, баҳорда, ҳаттоки ёзда ҳам уруғини сепаиб етиштирса бўлади. Эндигина уни чиққан кўчатларини ажратиш бошқа жойга кўчириш ҳам мумкин.

#### ФЛОКС

Чиннигулнинг тўдасимон тури. 60 дан зиёд хиллари мавжуд. Кўп йиллик ва бир йиллик навлари бор. Ўтли ҳамда бутасимон ўсимликларнинг синюха оиласидан. Ўтсимон кўринишдаги флокс эрта баҳорда, балинд ўсадиганлари — ёз ва куз пайтида гуллайди.



Шаҳар иқлимига асосан бутасимон, яъни июнь-сентябрь ойларида гуллайдиган навлари мослаштирилган. Балиндлиги 60-180 сантиметрликда тик ва мустақкам ўсади. Қизил, пушти, мовий, оқ ва бошқа аралаш ранглилари тарқалган.

Флоксини очiq жойларда, лекин тўғри кўбш нуридан пана қилиб экиш тавсия этилади. Бу ўсимлик қанча зич жойлаштирилиб ўтқазилса, гуллаган пайтида ўзига хос манзарна ҳосил қилиши мумкин.


Флокс илдиизи билан кўпайтирилади. Қишга чидамли. Кеч кузда унинг шоҳчалари паст қилиб кесиб қўйилса, баҳорда янгилири тўда бўлиб униб чиқади.

**Шафтоли мевалар ичида энг лаззатлиси бўлибгина қолмай, шифобахш хусусиятларга бой ўсимлик эканлиги ҳам кўпчиликка маълум. Халқ орасида шафтоли билан боғлиқ турли ривоятлар юради. Одатда олма бўладими, ўрикми, ҳар бир мева бўлиб ейлади. Айтишларича, шафтолини иккига бўлиб ҳамда ярим бўлагини ўзгага улашиб баҳам кўриб бўлмас экан. Буни ким қанақа тушунади ўзига ҳавола, асл маъно шундаки, бир дона шафтоли — бу бир тирик мавжудотга тенгдир, яъни уни бўлиб бўлмайди.**

Яна шундай гап борки, кимда-ким тушида шафтолини кўрса, буни бир кун рўза тутиш белгиси деб тушуниш керак (баъзилар уч кун тугади). Азалдан халқимизда урф бўлган бу одатларини билиб қўйган яхши, уларга риоя қилиш-қилмаслиқ эса бошқа масала. Лекин гап келганда шунга айтиш мумкинки, масалан, вақти-вақти билан «очлик эълон қилиб», овқатдан ўзини тийиб туриш зарар эмас, балки инсон саломатлиги учун айни муллолар. Мавзу билан боғлайдиган бўлсак, шафтоли тўйимли, лекин оз вақт ўтгач киши уни истеъмол қилгиси келаверида, мезгала тегмайдиган мевадир. У инсон организмга жуда фойдали, жигар, буйрак, ўт пуфгани тозалайди, ундаги қотишмаларни эриштириш кучига эга.

Шафтоли гулларини диабет — қанд касаллигига дучор бўлганлар чой қилиб дамлаб ичиши ёки қиймага аралаштириб, димлама қилиб истеъмол қилса қанд даражасини кескин пасайтириши мумкин.

Шафтолининг эрта ёз — июнь, чилла пайти ҳамда кузги турлари мавжуд. Луччак шафтолини кўпчилик айниқса хуш кўради, бироқ туқли шафтолида шифо хусусиятлари кўпроқ. Унинг данаклари майдаланиб кап отилса,



## ШИФОБАХШ ЎСИМЛИК

томоқ, нафас қисий хасталиқларига дучор бўлганларга шифо бўлади. Ҳаттоки уй ҳайвонларидан сизир ва қўй йўталаётган пайтида шафтоли барглари берилса ёки қайнатилган сувидан ичирилса, даво бўлади.

Энди мақолаимизнинг сарлавҳасига келсак, ҳақиқатан ҳам шаҳар шароитидаги томорқаларда 5-6 йилдан бери шафтолини етиштиришнинг иложи бўлмаётир. Кўпчилик ҳаваскор боғбонлар бундан бохабар. Мутахассислар эса бошқача фикрга эга, яъни ҳар қандай шароитда, нафақат дала ҳовлиларда, балки

шаҳар шароитида ҳам шафтолидан катта ҳосил олиш имкониятлари бор экан. Муволамматнинг ечимини ўсимликларнинг тўғри парваришлаш, хусусан шафтоли кўчатининг агротехникасига эътибор бериш билан боғлиқ деб таъкидлашмоқда ўз ишининг усталари.

Нима бўлганда ҳам бозорларимиз тўкин-сочин, лекин бугунги кунда шаҳримиз бозорларида сотилаётган шафтолиларнинг бари пойтахт чеккасида, асосан Фарғона водийсидан келтирилмоқда.

— Ўтган йили декабрь ойида ҳароратнинг кескин па-

сайиши оқибатида шафтоли каби нозик табиатли мева ўсимликларини совуқ урди, — деб ёзади бизнинг доимий ҳамкоримиз — Ипакчилик илмий-текшириш институтининг фахрий селекционери Мухтор Муролов. — Бундан ташқари, дарахтлар гуллаганда ҳамда эндигина мева тугаётган пайтида йирик дўл ёққани туфайли кўп меваларга зарар етказилди. Шафтоли ҳам бунга бардош беролмади. Дарҳақиқат, ҳозирда шаҳар томорқаларида шафтоли дарахти жуда кам учрайди, борларида эса ҳосил умуман йўқ. Қиш, баҳор мавсумларининг кутилмаган инжиқликларини ҳисобга олган ҳолда, шафтоли кўчатини кун тушадиган, аммо икки атрофи, айниқса шимолий томонини пана қилиб экишни тавсия қиламиз. Озуқа сифатида тупроқни бўшатиб, уч-тўрт йиллик табиий ўғит билан бойитиб туриш керак. Баъзилар баҳор мавсумида сел, дўл пайтларида бўйи унча балинд бўлмаган дарахтлар устига тортиш учун катта бичимли полиэтилен плёнкасини тайёрлаб қўяди. Бу ҳам дарахтларни табиатнинг салбий таъсиридан сақлаш усулларидан бирidir ва ўзига яраша фойдали бор...

Демак, шафтолини ҳар бир шароитда, шу жумладан шаҳарга мос иқлимда ҳам етиштириш имкониятлари мавжуд экан, фақат улар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш ва тўғри фойдаланишнинг билиш даркор. Бу ҳақда газетхонларимизнинг фикр-мулоҳазаларини қутиб қоламиз.



«Тошкент оқшоми»

ҲУҚУҚИЙ  
МАСЛАҲАТХОНАСИҚонунга ҳурмат ва  
иқтисодкорлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

## 154. Васиятномани васият қилувчининг ўзи бекор қилиши ва ўзгартиришига йўл қўйиладими?

Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёки унда мажҳуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдирришга ҳақли.

Васиятнома унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан қуйидаги икки усулдан бири орқали, хусусан:

1) васият қилувчи томонидан;  
2) васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага эид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ҳам бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди (**Фуқаролик кодексининг 1127-моддаси**).

Шундай қилиб, фуқаро: вафотидан сўнг мол-мулк унинг хоҳиши бўйича тасарруф этилишини кўзлаб, ўзига тегишли мол-мулкни ўзисиз тасарруф этишни ҳаётлик, ақли расолик чоғида хоҳлаган одамига, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига васият қилиб қолдиришга;

ўз васиятномасини, сабабини кўрсатмаган ва нима учун шундай қилаётганига изоҳ бермаган ҳолда, бекор қилишга ва ўзгартиришга;

ўз мол-мулкига меросхўрларни қон-қариндош бўлмаганлар орасидан танлашга ҳақли.

Васиятноманинг сир сақланиши қонун билан қўриқланади (**Фуқаролик кодексининг 1128-моддаси**).

## 5.4. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги

## 155. Васиятномани ҳақиқий эмас деб топилганда қайси қондаларга асосланади?

Қонун билан белгиланган шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмас.

Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги **Фуқаролик кодекси 113 – 128-моддаларининг** битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қондаларига ҳам асосланади.

Васиятномани ҳақиқий эмас деб топил учун, энг аввало, бу васиятнома ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томонидан тузилганлиги асос бўлади (**Фуқаролик кодексининг 121-моддасида**).

Васият қилувчининг бундай ҳолатда, яъни ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлганлиги тўғрисидаги хулосани суд-психиатрия экспертизаси бериши керак. Шу боис бундай экспертизага фуқаролик ишига оид материаллар ҳамда барча тиббий ҳужжатлар – васият қилувчининг амбулатория ва стационарда даволанганлиги хусусидаги ҳужжатлар тақдим этилади.

Васиятнома қуйидаги ҳолларда ҳам ҳақиқий эмас деб топилши мумкин:

муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилганлиги сабабли (**Фуқаролик кодексининг 120-моддаси**);

васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилушидан мулк қўриқчиларга эга бўладиган шахснинг даввоси бўйича васиятномани тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг Фуқаролик кодексига белгиланган тартиби бузилганлиги натижасида (**Фуқаролик кодексининг 1130-моддаси**).

Васиятнома фақат суднинг ҳал қилув қарори асосида ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

## 156. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қандай?

Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги васиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди.

Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади (**Фуқаролик кодексининг 1130-моддаси**).

## 157. Кимлар васиятномани ҳақиқий эмас деб топилганда даъво тақдим этишга ҳақли?

Васиятномани ҳақиқий эмас деб топилганда даъво талабларини қуйидагилар тақдим этишга ҳақли:

ушбу васиятнома билан манфаатлари бузилган қонун бўйича меросхўрлар;

васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилушидан мулк қўриқчиларга эга бўладиган шахслар.

Васият бўйича меросхўрлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олган бўлсалар, бу гувоҳнома ҳам васиятнома билан биргаликда суд тартибда даъволаштирилиши мумкин.

Даъволар, одатда, мерос кўчмас мулк, хусусан квартира, уй турган жойдаги, мерос кўчмас мулк бўлмаганда эса, кўчар мулкнинг катта қисми турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманларо судга тақдим этилади.

(Давоми бор)

## Хайрли ташаббус

Бўлғуси фазогирлар  
истиқболи йўлида

Маълумки, шу йилнинг 28 июль — 9 август кунлари Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятининг Паркент туманидаги «Қизил Соё» дам олиш базасида XV Халқаро аэрокосмик мактаби (ХАКМ)нинг анъанавий ўқув-машқ тадбирлари ўтказилади. Бу тадбир Ўзбекистон Республикасининг 60 йиллиги ҳамда биринчи фазогир аёл — Валентина Терешкованинг фазога тарихий парвозининг 40 йиллигига бағишланганлиги билан аҳамиятли ва кадрлидир. Мазкур анжуманинг ташкилотчилари академик Ш. Воҳидовнинг Халқаро ёшлар аэрокосмик жамғармаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Коинот» акционерлик жамияти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус касб-хуна таълими истеъдод маркази ҳисобланади.

Анжумани тайёрлаш ва ўтказишда «Асака» банки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Қанот-Инвест» фирмаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «ФОТОН» ИИЧБ, «МАГМА» ва «Эл» фирмаси, «Ўзбекистон интернешнл» акционерлик жамиятлари ҳамийлик қилишмоқда.

Анжуманда Тошкент шаҳри ва Ўзбекистоннинг турли вилоятлари, шунингдек, Россия, Франция, Қозғистон, Тожикистон ва Озарбайжондан 30-40 нафар атрофида иқтидорли юқори синф ўқувчилари қатнашадилар.

Халқаро аэрокосмик мактаб юқори синф ўқувчилари ҳамда «КОИНОТ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, бошқа ташкилот ва корхоналарнинг олимлари, ўқитувчилари, талабалари, мутахасссларининг илмий жамоаси бўлиб, ўқувчиларни муҳандислик, аэрокосмик ва компьютер техникаси соҳаларидаги ижодкорлик касблари асосини ташкил қиладиган бошланғич билимлар, кўникмалар, маълумотлар билан таништирилади, ўқув ва тарбиявий тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди.

Мактабда илмий-техник, умумжисмоний ва махсус тарбиявий, маърифий, маданий тадбирлар ҳам ўтказилади. Илмий-техник дастурда 24 соатли маърузалар, 26 соатли лаборатория ва амалий машғулотлар, шунингдек, экипажлар аэзолари билан яқна тартибда амалга ошириладиган 26 соатли машғулотлар ўтказилиши ҳам кўзланган.

Дастурга мувофиқ анжуманда таниқли олим

ва тадқиқотчиларнинг «Коинот эволюцияси», «Ўзбекистонда коинот бўйича тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари», «Ийрик космик конструкциялар», «Кўёш тизимидаги планеталарни илмий текшириш усуллари», «Экология ва коинот», «Космонавтларни танлаш ва тайёрлаш», «Орбитал станцияларда илмий тадқиқотлар», «Космос ва асбобсозлик муаммолари», «Космик алоқа воситалари ва табиий офатлардан оғохлантирадиган воситалар», «Ўзбекистонда кўёш нуридан фойдаланиш йўналишлари», «Ерни коинот омилларидан муҳофаза қилиш», «Коинот тадқиқотида хотин-қизлар тажрибаси» каби 30 га яқин қизиқарли илмий, назарий ва амалий маърузалар тингланади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг мустақил ва яқна тартибдаги тайёргарликлари учун қўлаб қизқарли мавзулар тақлиф қилинади. Жумладан, Космик кемадари коинотга учирининг экологик соф лойиҳаси; Сайёраларо космик ракета-лар лойиҳаси, Ўзга сайёраларда яшаш учун жой лойиҳалаш, Ракета, самолёт ёки бошқа учиб аппаратларини лойиҳалаш, ясаб ва синовдан ўтказиш, Авиакосмик attraction уйинини ўйлаб топилши, Илмий-фантастик



хикоя ёзиш, Бирор аэрокосмик мавзуга бағишланган суратлар чизиш каби мавзулардир.

Табиийки, анжуманда энг яхши лойиҳалар, мавзулар, мустақил ва яқна тартибдаги машғулотларнинг натижалари талабчан ҳакамлар томонидан баҳоланади, ракета моделлари мусобақалари, варрак ва лайлақлар учуриш синовлари ўтказилади, голиблар муносиб тақдирланади.

Энг муҳими, ўтказиладиган бу анжуман ишида нафақат республикамиз, балки чет эл йирик илмий марказларининг таниқли олим ва ходимлари, фазогир-учувчилардан В. Жонибоев, В. Терешкова, С. Шарипов, фазогир-синовчи А. Маликов, шунингдек, аэрокосмик корхоналар ва Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-текшириш институтларининг раҳбарлари ҳам иштирок этиши мўлжалланган.

Хуллас, ўтажак бу илмий-амалий анжуман Ўзбекистонимизнинг фазо сирларини ўрганиш ва бундан тинчлик, фаровонлик мақсадларида фойдаланишлари учун муҳим босқич бўлади.

**СУРАТДА: халқаро аэрокосмик мактаби ўқувчилари.**

ЭЙ, ОНА-ЮРТ,  
ОСМОНИМ!

Осмон менинг жон-дилим,  
Осмон менинг маконим!  
Парвоз этсан бағрида  
Ушалар минг армоним!

Осмон менинг жон-дилим,  
Осмон менинг юрагим!  
Уни сақлаш мусаффо,  
Эзгу уйим-тилагим!

Осмон менинг жон-дилим,  
Осмон менинг ошеним!  
Унинг қаби буюқдор,  
Юртим Ўзбекистоним!

Эй, она-юрт, осмоним,  
Азиз жону жаҳоним!  
Сен таяним, тиргагим,  
Ушалмас тилагим,  
Борми сенга керагим?!

ЭЛИМ ОЙ,  
ЙУЛДУЗИМАН!

Жамолимга бир қаранг,  
Камолимга бир қаранг,  
Иқболимга бир қаранг,  
Тимсолимга бир қаранг!

## НАҚРАТ:

Элим ой, юлдузиман,  
Офтобиман, юзиман!  
Тигдай ўткир сўзиман,  
Ойбарчини, қизиман,  
Посбониман, кўзиман!

Энг навқирон ёшимда,  
Хумо қуши бошимда,  
Дўст, қардошим қўшимда,  
Омад, бахт ёр ишимда!  
НАҚРАТ.

Ўзбекистон — Ватаним,  
Эй, бебаҳо гулшаним,  
Бош кўтарса бир ганим,  
Сенга фидо жон-танним!  
НАҚРАТ.

Элим ой, юлдузиман,  
Офтобиман, юзиман!  
Тигдай ўткир сўзиман,  
Ойбарчини, қизиман,  
Посбониман, кўзиман!

ОСМОНДАГИ  
ОҚ ЕЛКАН

Осмонда учиб, елган,  
Одамларни лол қилган,  
Ҳилпираган оқ елкан,  
Елкасига минган ким?

## НАҚРАТ:

Ўзимизнинг Солижон,  
Жасур, Ботир, Омон-ку!  
Ўз аҳдида мустаҳкам,  
Қодир, Нодир полвон-ку!

Бор бўлсин Ўзбекистон,  
Лочини, шоввозлари!  
Кўёш қадар юксалсин,  
Мардона парвозлари!

Осмонда учиб, елган,  
Қасбин муқаддас билган,  
Ёлвар кўксини тилган,  
Жасур Инсон ким экан?

НАҚРАТ:  
Осмонда учиб, елган,  
Она-Ерга интилган,  
Ипақдан қанот қилган,  
Мағрур Инсон ким экан?

НАҚРАТ:  
Ўзимизнинг Солижон,  
Жасур, Ботир, Омон-ку!  
Ўз аҳдида мустаҳкам,  
Қодир, Нодир полвон-ку!

Искандар РАҲМОН

Шарқ дурдоналари

**ОЗ ОЗ ҲАҚИДИ**  
**ДОМО БУЛУР...**

● Ховлиқиш, шошиллиш — пушаймонликнинг сингилиси. Шошма-шошарлик пушаймонликдан ажралмайди. Шошилиш бўлган ерда надомат ҳам бўлади. Шошма-шошар бўлмасанг, муродинг осонлик билан ҳосил бўлади.

● Улфат ва муҳаббатнинг шарти тақаллуфусиз бўлишидир.

● Нодоннинг дўстлиги кулфат ва машаққатдан ўзга нарса ҳосил этмайди.

● Ҳаз мартаба ва даражасини билмаган, ўзини ҳаммадан юқори тутган киши — эътибор ва илтифотдан соқитдир. Ҳеч ким уни кўзга илмайди.

● Очик ва мулоимлик билан сўзлаш қаҳр-ғазабни кишининг ғазаб ўтига сув каби таъсир қилади, яъни сув ўрни ўчирган каби мулоимил сўзлаш ҳам ғазабни кишининг аччигини пасайтириб, кўнглини юмшатади.

Байт:  
**Ҳамма одамга сен яхши қилиш қил,**  
**Тилингни ҳуш, чиройингни илиш қил.**

● Қаҳр-ғазабни енгган киши келгуси истироҳатини таъмин этади.

● Шайх Саъдий айтади:  
— Йигитлик ёшимда зўр қувватга эга эдим, ўзимдан кичик ва кучсизларнинг қўлларини қайтариб, дилларига озор берардим, ҳамма мендан безган эди. Ниҳоят бир кун ўзимдан қувватли кишининг муштини едим. Шундан кейин ҳеч кимга зўравонлик қилмадим. Эй ўғил, кучим бор деб зўравонлик қилма, ҳеч кимга жабру жафо айлама. Агар зўравонлигини давом эттирсанг бир кун зўравонлиқнинг қандай кўнглисиз натижани берганини кўрасан.

Байт:  
**Чоҳ ҳазиса бировга биров эй ёр,**  
**Унга ўзи йиқилур деган масал бор.**

● Арасту ҳақим айтади:  
— Маишатга қифоя этарлик давлатга эга бўлган киши ундан ортиқчани талаб қилмасин, беш кўлини озгизга тиккан киши беш ниҳоят қайғу-аламларга гирифтор бўлади.

● Машҳур олимлардан Жамолддин Муҳаммад айтади:  
— Бир бой киши хизматкорига ўзининг зийнатли асбоблари, насл-насабини сўзлаб, улар билан мактадони. Бойнинг сўзларини хизматчиси рад қилиб, шундай жавоб берди:

— Сиз чиройли қимматбахо кийимлар кийиб, ўзингизга зеб бергансиз, у зийнат сизда эмас, кийимлардадир. Минган отингиз билан мактансангиз зийнат, комиллик сўзда эмас, отингиздадир. Ота-боболарингиз фазилатлари билан ифтихор қилсангиз, у фазилатнинг эгалари — уллардир, сиз эмассиз. Агар фазилатларнинг эгалари ўз ҳақларини қайтариб олсалар, сизга ҳеч нима қолмайди. У фазилат сизга ўтмагани сабабли қайтариб олишининг хожати ҳам йўқ. Бошқаларнинг зийнатлари билан зийнатлана олмайсиз. Хулқ-атворингизни тузатинг, фазилатли бўлинг. Мана бу ўз зийнатларингиз бўлади. У вақтда ўз зийнатингиз билан ифтихор этишга ҳақли бўласиз.

Байт:  
**Кутма дардинга даво,**  
**пасткаш, қурумсоқ кимсадан,**  
**Ким чён ниши билан олғай оёқлардан тикан?**

**Мўйларимиз замонамизга мос бўлсин**

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган турли маросим, урф-одат ва анъаналаримиз халқимизнинг қадим тарихига бориб тақаллуфчи бебаҳо маънавий мероси, қадриятлари, орзу-ўйларни улкан маънавий бойлигидир. Тўй ўзбек халқи учун қадимдан энг бахтли, неча йиллар орзиқиб қутилган шодийна кун. Айниқса ота-она учун дунёда энг катта бахт бу — фарзандларининг тўйини, орзу-ҳавасини қўриш. Узоқ йиллар не-не орзу-умидлар билан қилинган тўй бир кунда ўтади-кетлади. Бирок мана шу бир кунлик тўйда ота-оналар яхши ният билан бир умр пешона тери билан топганларини тўкиб-сочадилар. Президентимизнинг «Тўй-ҳашам, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонлари кўпчиликини ташвишга солиб келаётган ҳолатларни бар-

тариф этишда муҳим қадам ташланди. Зеро, демократик-ҳуқуқий жамяят қўриш йўлидан бораётган халқимиз ҳаётининг ҳар бир жабҳасида бўлгани каби унинг маънавийтининг бир бўлаги бўлган тўй ва маросимларга боғлиқ қадриятларга бўлган муносабатини ҳам халқчил бўлишига муҳим аҳамиятга моликдир. Халол пул топан одам ўз меҳнати маҳсултини қадрайди, дабдабозликка, манманликка берилмайди. Исрофгарчиликка йўл қўймайди. Афсуски кейинги вақтларда тўй-ҳашам, маърака, маросимларни дабдабали ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўйиб урф-одат, анъаналаримизни менсимётган баъзи кимсалар ҳали ҳам учрамоқда.

Шу муносабат билан ҳудди мана шу мавзуда шахримизнинг фаол аёллари, маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

● **Фарида АБДУРАХИМОВА,**  
**Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси:**

— Тўй — авваламбор яхшилик, эзгулик белгиси. Инсон дунёга келгандан бошлаб яхши кунларига фотиҳа олишга ният қилади, топганин тўйга буюрсин, яхшиликка буюрсин деган мазмунда. Тўй ўзбек халқининг ҳам маънавийтини, маърифатини намойён этувчи кўзга дейиш мумкин. Тўйда қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат, келин-кўвларга, қўда-андаларга бўлган муносабат, ўзбекона меҳмондўстлик намойиши этилади. Лекин бугунги кунда ҳали ҳам дабдабали ўтаётган тўйлар учрамоқда. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, шаҳримизда бир йилда 8-10 минг оиланинг ниқоҳи қайд этилади. Қайд этилган оилаларнинг 70-80 фоизини ёш оилалар ташкил қилади. Президентимизнинг тўй-ҳашам, маърака ва бошқа маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармонлари асосида шаҳар ҳокимлиги,

● **Шарофат МУСАЕВА,**  
**Чилонзор туманидаги 2-«Чарх-Камолон» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси:**

— Тўй албатта ҳар бир хонадон учун катта тантана, қувончли кун. Халқимиз тўйсевар, саховатли, меҳмондўст халқ. Тўйда борини сочиб, меҳмон қақаришини, хурсандчилигини орзу қилади. Лекин саховатпешалик деб меъёрни унутиб, манмансираб, ўзини кўрсатиш учун дабдаба билан тўй қилаётган баъзи «бойваччалар» ҳали ҳам орамизда бор. Биз маҳалламизда тўй-ҳашам, маърака-маросимларни ўтказиш бўйича режа тузганимиз ва шу режа асосида маҳалла аҳли билан бирликлда иш олиб бораёلمиз. Бу режа шундан иборатки, яъни бўлажак тўйлар ва бошқа маросимларни илҳам ва кам ҳаражатли бўлиши назарда тутилган. Масалан ҳайит маросимларида тўй қўлланган хонадон тоғораларни ўтандан оширмасликка эришмоқдамиз. Мана ўтган йили ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси»

● **Муборак ЮНУСХУҲАЕВА,**  
**Тошкент шаҳар «Маҳалла» жағғармисининг «Қадрият» давраси раиси:**

— Халқимиз бой, сермазун урф-одат ва қадриятларга эга. Тарихини севиш, билиш, қадриятларни эъзоллаш, ўзлигини аниқлашда асосий омилдир. Биз катталарнинг вазифамиз турли урф-одат, анъаналаримизни эъзоллаб ёш авлодга ўтказишдан иборат. Аммо охириги 10-15 йил давомида баъзи қадриятларимизни меъёридан ошириш, янгича кирди. Одатларни ўйлаб топиш одат тусига кирди. Борлар уша-уша ўзини кўрсатиб даңғиллама тўй қилишга интиляпти. Йўқлар эса уларга интиланган деб, ташвишга гамага боляпти. Нимага энди неча йиллар орзиқиб қутилган тўйни ташвиш билан ўтказиш керак. Тўй ахир хурсандчилик, шодийна кун-ку ахир. Тўй қилаётган оила кўда томон билан келишиб ортиқча дабдаба, ортиқча тоғора, 30-40 сидра сарполарини ўрнига илҳамгина қилиб, қолган маблағига ёшларга зарур бўладиган бирор уй жиҳозларини, ёки бўлмаса, балки ёшлар илм олаётган бўлишса, уларнинг ўқишлари учун сарф қилишса, кўнглидаги иш бўлмасиди. Албатта тўйдан кейин ҳам ҳеч бир муаммосиз, шодийна ҳаёт кечирган бўлардилар албатта. Яна бир гап. Ҳозир келин саломларга ҳам бирмунча ўзгаришлар кириб қолди. Бир гуруҳ санъаткорлар билан баъзи жамшид қилиб, хотин-халажини йиғиб, йўл-қулги, пуллар сочиш, қўстир-қўстири авжига қўштири. Ахир бу нима деган гап?! Илгари ёши улғур бир

**Топганимиз яхшиликка буюрсин**



сериали кўпчилик ҳамшаҳарларимизни чўқур мушоҳада қилишга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Жуда кўп аёллар майда-чўйда гап-сўзларга шу ортиқча тоғоралар сабаб бўлишини, оқибатда исрофгарчиликлар юзга келаётганини тушуниб етдилар. Мана айни кунларда маҳалламиздаги ўтаётган тўй-ҳашам ва бошқа маросимларда тоғораларни қисқартиришга келишмоқда. Бу албатта тўй эгасига ҳам, тўйга борувчига ҳам оғирлик қилмайди. Агар кимда-ким тоғоралар сонини оширса, жарима тўлаши мумкинлиги тушунтирилмоқда. Уйлайманки, ҳар бир маҳаллада маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгаши раислари, тўй комиссияси аъзолари тўй қилаётган оилга каттиқ талаб қўйиб, тўйни маҳалла билан бамаслаҳат қилиши кераклиги тушунтирилса, ана шунда тўйларимиз бирмунча илҳам ва фазилли ўтарди.

● **Абдуҳалил ЗУФАРОВ,**  
**меҳнат фахрийси:**  
— Ота-она фарзандига тахт яратадими, аммо бахтини яратиб беролмайди. Баъзи ота-оналар ўғил уйлантириб, қиз узатишда катта сарф-ҳаражат билан дабдабали тўй қилишади. Буларнинг ҳаммаси бефойда. Бундан на ўғилга, на қизга фойдаси йўқ. Хайрон қоладигани, кўпчилик ота-оналар фарзандларининг бахтини мол-дунёда деб биландиларми, бу сарпо-сурўлар, қимматбахо меъбеллар, беҳисоб тоғоралару ва бошқа ноз-неъматларни ким ўзарга қилишмоқда. Лекин энг ёмони улар тўйдан кейинги фарзандларининг бахту саодатини, тиниб-тиниб, бир-бирларига кўнгли қўйиб кетишлари ҳақида уйлайдилар. Гуё мол-дунё билан бахтларини топдигандек. Мана, аяқинда шундай бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Икки қўшни маҳаллада ашовчи йигит ва қиз бир-бирига кўнгли қўйган. Тўй бўлиш арафасида кўвнинг онаси қизнинг мебели қанақалиги билан қизикқан. Қиз томон ўзимизнинг мебелини олганлигини эшитиб, «Агар Тошкентнинг мебели билан келадиган бўлса, қизингизни олмаймам» деган. Қизнинг онаси ҳам бу гапдан хафа бўлиб, маҳалла фаолларини йиғиб, кўвнинг онасини қақариб, унга «мени ҳам сизга берадиган қизим йўқ, тўй бўлмайди» деб жавоб берган. Бу бўлган воқеа. Мана шундай мол-дунёга муккасидан кетиб, икки ёшнинг муҳаббатига раҳна солган ота-оналарга нима дейиш мумкин?! Наҳотки фарзандларининг келгусида бахтли, ширин турмуш қуришларига қарши бўлишса. Ахир ота-она учун фарзанднинг бахти муҳим эмасми! Орамизда шундай нотўғри фикр-лайидан кишилар борлигидан хафа бўлиб кетамиз-да. Улар албатта бу ишларидан пушаймон қиладилар.

● **Зоҳид ОТАМЕТОВ,**  
**2-«Чарх-Камолон» маҳалла оқсоқоли:**  
— Баъзи одамлар бор беш-олти сўм пули кўпайиб қолса унча-мунча одамга қўлоқ солмайди. «Ой баража топқур, атрофга қара, маҳалла билан бамаслаҳат иш қилдэйимиз. Йўқ, қўлоқ солишни хошлашмайди. Уларнинг билганларидан қолишмайди. Мана шундай «бойваччалар» дабдабали тўй қилгандан кейин бошқалар ҳам шундан қайерим кам, нега биз ҳам шундай тўй қилолмас эканмиз, деб ўйлашади. Мана маҳаллада оқсоқол бўлиб кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлганман. Тўй бир кунда ўтади, кетлади. Лекин тўйдан кейинги бўлаётган айрим гап-сўзларни эшитиб ёки ўзайлади киши. Баъзилар маҳалла билан келишмай, ўзбосиҳлик билан тўй қилган, оқибати яхши бўлмаяпти. Энг ачинарлиси икки кўда тўйдан олдин бир-бирларига елгон вақтларда бериб, тўйдан сўнг эса камчиликлари кўришиб, жанжал-тўпалонлар келиб чиқмоқда. Биз маҳалламизда жуда кўп тадбирлар, йиғилишлар ўтказиб бундай ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилаямиз. Ақриямларга йўл қўйилмаяпти. Илоҳи борица келишмаётган оилаларга кириб тушунтириб, уларни яраштиришга эришяёмиз. Ахир бахтли, тотув оилалар қанча кўп бўлса, маҳаллалар яна ҳам тинч ва обод бўлади.

● **Раҳима ШОМАНСУРОВА,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:**

— Қадимдан «Ниқоҳ тўйи ўйлаб-ўйлаб, ўғил тўйи ўйнаб-ўйнаб» деган гап бор. Аслида ўзбекнинг ҳамма тўйи «ўйнаб-ўйнаб»дир. Чунки ниқоҳ тўйи бўлсин, бешик тўйи, суннат тўйи бўлсин, бу маросимларнинг ҳаммаси асосан икки кўда томон, қолаверса кўпчилик билан боғлиқ. Демак, «ўйлаб-ўйлаб» ибораси ортда тўй деб ўйига одам йиғайтган икки томоннинг кенг мулоҳаза юритиши, иккала томоннинг «баланд кетиб», «паст тушиши»-да меъёрни билишлари мумкин. Ўзбекининг ҳар қандай тўйдан сўнг албатта ҳар хил гап-сўзлар бўлади. Биров у дейди, биров бу. Ва гаплар замирида шунчаки ғийбат, ҳасад ва ғараз, ҳавас ва завқ ҳам бор. Агар кузатган бўлсангиз, ақсарият «ўйлаб-ўйлаб» тўй қилувчиларнинг ҳар ҳолатда ҳимоя қалқони тайёрлигини кўрсангиз. Бу ўқ тешмас қалқон — икки томоннинг келишуви, бамаслаҳат иш қилишидир. Агар икки томон тўйни илҳам, исрофгарчиликсиз, оғинау соғина таразда келишган ҳолда ўтказишга қатъий келишиб оlishса, менимча тўйларни ўйлаб, сиқилиб, ташвишга тушмай, бемалол, ўйнаб-қулиб ўтказишлари турган гап. Ана шунда атрофдагилар ҳам бу ҳолни кўрган «Йя, ана бўлар экан-ку, шу вақтда ақлимиз қайда эди!» дейишлари аниқ.

**ТАХРИРЯТДАН:** Ҳақиқатан тўй-ҳашамларимиз ҳақида жуда тўғри фикрлар, мулоҳазалар баён қилинди. Халқимизда ҳаммазани тўйга етказсин, қўлнинг гам кўрмган, деб жуда қилди кесаларимиз. Тўйларимиз қанчалик илҳам, исрофгарчиликсиз, ортиқча дабдабасиз ўтказилса шунчалик фазилли, мазмунли бўлади, албатта. Бунга баъзи бировлар тушуниб етмаётгани ачинарли ҳол. Не умидлар билан воғая етган фарзандларининг бахту қамолини қўриш ота-она учун энг олми бахт. Уларга тахт эмас келгусида олми яратиб, бахтиёр оилалар сафига қўшиш ҳақида кўпроқ қўйғурини зарур. Ҳаётимиз нақадар гузал, юртимиз фаровон. Ана шу фаровон юрда ёшларимизнинг бахти очилсин, бахти қулсин фақат, деб ният қиламиз.

Давра суҳбатини  
Дилором ИКРОМОВА  
ёзиб олди.

**Спорт**

**Ёш спортчилар кутланди**

Мамлакат доврўғини оламга ёйишда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти каттадир. Истиқлол шарофати туфайли серкўёш диёримизда спорт соҳаси ривожига катта эътибор қаратиляпти. Юртбошимиз ҳамда ҳукуматимизнинг ёш спортчиларга ғамхўрлиги ўлароқ ҳар бир туманда, маҳаллада, ўқув муассасаларию корхона-ташкilotларда спортнинг кўпгина турлари омаллашмоқда. Ёшлар ўртасида ташкиллаштириляётган турли хил спорт тадбирлари туфайли спортнинг ҳар бир йўналишида чемпионлар етишиб чиқмоқда. Шу ўринда халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилётган спортчиларимизнинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу боисдан ҳам спортнинг оммавийлигини янада кучайтириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан ёшларга бериляётган эътибор тимсоли сифатида куни кеча Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида ўқув масканларини тамомлаган ёш йигит-қизларни кўтлаш ва уларга мамлакат олий ўқув юртиларига кириш учун сертификатларни топишириш маросими бўлиб ўтганлигини алоҳида мамнуният билан эслаш жоиз. Олий ўқув юртиларига имтиёзли қабул қилинган бу ёш спортчилардан келажақда янада улкан муваффақиятларни кутишга ҳақлимиз.

**Таътил мароқли ўтмоқда**

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини сермазmun ва мароқли ўтказиш мақсадида жойларда турли хил спорт мусобақалари уюштириляётганлиги қувонарли ҳодиса. Куни кеча пойтахтимиздаги «Булоқ» сув ҳавзасида ўсмирлар ўртасида сузиш мусобақаси бўлиб ўтди. Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, туман вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида 12-15 ёшли ўсмирлар ўртасида уюштирилган ушбу мусобақани кузатган мухлислар болаларнинг эпчиллигию чаққонлигига гувоҳ бўлишди.

**Баскетболчиларимиз голиб бўлди**

Хиндистон пойтахти Дехли шаҳрида баскетбол бўйича Осиё чемпионатига саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Мутахассислар эътирофича, Осиё чемпионатида Ўзбекистон ва Қозғоғистон терма жамоалари йўлланма олиши лозим эди. Ҳақиқатан ҳам мусобақага жиддий тайёргарлик қўрган баскетболчиларимиз ўз гуруҳларида голибликни қўлга киритиб мақсадларига эришишди. Энди баскетболчиларимиз минтақа биринчилигида голиблик учун кураш олиб борадилар.

Акбар Йўлдошев

Куни кеча мазкур маданият ва истироҳат боғида яна бир хайрли тадбир уюштирилди. Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда «Ёнгра» халқаро жамғармаси ҳамкорлигида пойтахтлик меҳрга ташна, иқтидорли болажонлар иштирокида «Мафтункор ранглар олами» расмлар кўриқ-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Шуниси қувонарлики, ушбу тадбирга шахримиз туманларидан расмлик санъатида меҳр кўйган 26 нафар болажон ташриф буюришди. Очигини айтиш жоиз, бир озиз ширин сўзга, меҳрга муҳтож, имконияти чекланган 6-17 ёшли болажонлар чизган табиати, она-Ватани тараннум этувчи расмлар ҳақамлар ҳайратининг эътиборини ўзига тортди. Танловда иқтидорли 5 нафар болалар голиб деб эълон қилинди. Шундай қилиб, ўз иқтидорини намойиш эта олган 13 ёшли Фахриддин Яхшиев, 9 ёшли Ирина Бучок, 14 ёшли Зухра Бакирова, 15 ёшли Фаровон Раҳимов ҳамда 10 ёшли Анд-

**ТАНЛОВЛАР**

**Мафтункор ранглар**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи доимо ҳамшаҳарларимиз билан гавжум бўлади. Чунки бу ерда турли хил тадбирлар, танловлар, кечалар уюштириб турилади.

рей Леукинларга мутасаддиларнинг қимматбахо совгалари топширилди. Дарвоқе, энди голиблар «Мафтункор ранглар олами» танловининг республика босқичида қатнашиб пойтахтимиз шарафини химоя қилишди.

— «Мафтункор ранглар олами» танловини ўтказишдан мақсад, — дейди бу ҳақда Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти расми Ҳабибулла Жалилов, — мададга муҳтож фарзандларимизнинг ҳаётдан ўз ўринларини топишлари имкон яратилди. Чунки уларнинг орасида қобилиятлари жуда кўп. Шу ўринда танлов голибларига қимматбахо совгалар тўхфа қилган «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Ёнгра» жамғар-

масига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

Дарвоқе, болажонлар қалбига бир олам қувонч бахш этган ушбу тадбир якунида боғ маъмурияти саховати билан меҳрга ташна қалблар кўнглиочар аттракционлардан бепул

фойдаланишди, мириқиб дам олишди.

Анвар ЙўЛЧИЕВ  
СУРАТДА: «Мафтункор ранглар олами» танлови иштирокчилари.

Шавак Қаҳҳоров олган сурат.



**МАҲАЛЛА**

**Кўчма спорт ўйинлари**

Мамлакатимизда бугунги кунда Болалар спортининг ривожланишига эътибор бериляётгани, ёшларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлишларига катта замин яратилди, десак хато қилмаймиз. Айни пайтда шахримизнинг барча туман, маҳаллаларида бу борада кўплаб амалий тадбирлар, мусобақалар, беллашувлар, кўчма оммавий спорт тадбирлари ўтказилмоқда.

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов тумани кенгаши ходимлари ташаббуси билан «Журжоний», «Янгиобод», Ҳабиб Абдуллаев, «Кор ёғди», «Бекобод», Шароф Рашидов маҳаллаларида кўчма оммавий спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

7 ёшдан 17 ёшгача бўлган маҳалла ўсмирлари ўртасида спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, каратэ, бадминтон, аркан тортиш, стол тенниси, аркандан сараш каби турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда 100 дан ортиқ маҳалла ёшлари ўзларининг чаққонликларини намойиш этишди.

— Утказилаётган бундай мусобақалар ўсмирларимизнинг жисмоний чиниқишларини таъминлаш билан бира уларни аҳлиноқ бўлиб, галабага эришишларига ёрдам беради, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов тумани кенгаши сардори Азиз Миррахимов.

Ҳақиқатан, спорт нафақат соғлиқ балки дўстлик гарови ҳамдир.

Моҳина БЕКНАЗАРОВА

**ТУРФА ОЛАМ**

**«ИЛОНЛАР ҚИРОЛИ»НИНГ РЕКОРДИ**

Малайзия «Илонлар қироли» Али Хон Шамсуддин ўзига хос рекорд ўрнатди. У уч ҳафта давомида ўз танасида беш мингдан зиёд чаёнинг «сайр қилиши»га йўл қўйиб берди. Шу вақт ичида уни чаёнлар жами тўқсон тўққиз марта чақдилар. Али Хонгача ўрнатилган рекорд соҳиби хиндидийтойлик бўлиб, у икки ҳафта мобайнида танасига «атиги» уч миңг беш юзта чаёни қўйиб юборган эди.

**ЮЗ МИНГ БОҒИЧ**

Германиянинг Штендал шаҳарчасида яшовчи Хелмут Бредман ёшлиғидан пойабзал боғичларини тўплашга қизиқарди. Эллик ёшга тўлганида у ана шу «хобби»си туфайли анча таниқли бўлиб қолди. Бредманнинг антиқа коллекцияси тўғрисида маҳаллий рўзнамода қайта-қайта ёзишди. Коллекциячилар учун мўлжалланган махсус немис нашрларида Бредманнинг жилмайиб турган суратлари кўлдан-қўлга ўтди. У тўплаган боғичлар жуфтлитини сони юз мингдан ошиб кетди.

Коллекциядан Германияда машҳур бўлган давлат арбоблари пойабзалларнинг боғичлари, шунингдек, Бредманнинг бобосидан қолган узилган боғичлар ҳам ўрин олган.

**БАХТ ПУЛДА ЭМАС ЭКАН**

Ғарбда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Европа ва Американиннг жуда кўплаб руҳий шифохоналари аксарият ўзига тўқ одамлар билан тўлиб тошган. Боилқк одамларни ақлдан оздирибгина қолмай, балки уларни депрессия (руҳий сиқилиш)га ва ўз жонига қасд қилишгача ҳам олиб келар экан. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Машҳур адиб Жек Лондон ҳам ўз даврида бой бўлиши учун тиришиб меҳнат қилган. Боилқика эришгандан сўнг эса, энг бахтиёр дамларим камбағалликда кўрган кунларим экан, деф аясуланиб ёзган эди. Таниқли Кодек ва Савва Мозаров ўз жонларига қасд қилишиб умрларига нуқта қўйдилар. Нефть магнати Рокфеллер оғир руҳий сиқилиш оқибатида бу дунё билан хайрлашди. Мультимиллиардер Говард Хьюз эса ақлдан озиб, кун бўйи хонасини ичидан беркичи олиб, яланғоч ҳолда узола тушиб ётиб оларкан. Бу фожиялардан уларни узолари ага бўлган беҳисоб боилқиклари ҳам кутқаролмаганига тарих гувоҳ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Кафедра мудирлари (профессор, доцент, фан номзоди): «Хореография»; «Санъат назарияси ва тарихи»; «Ижтимоий-гуманитар фанлар»
  2. Профессор, доцент, фан номзоди, катта ўқитувчи: Тарихий-маиший рақсдан дарс бериш назарияси ва услуби; Замонавий рақсдан дарс бериш назарияси ва услуби; Жаҳон ва ўзбек хореография тарихи ва назарияси (ўзбек тилида)
  3. Катта ўқитувчи, ўқитувчи Театршунос (ўзбек тилида)
- Ҳужжатларни (ариза, шахсий варақаси расм билан, илмий даража, илмий унван ва маълумоти ҳақидаги тақдломлар нусхалари, илмий ишлар рўйхати) қуйидаги манзилга тақдим этиш мумкин:
- 700031, Тошкент—31, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31,**  
**телефонлар: 56-33-27, 56-37-06, 56-05-28**  
**факс: 152-22-29**  
**Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг бир ой давомида қабул қилинади.**

Янги «Чайка», «Веритас» тивув машиналари сотилади. Т: 22-98-05



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Муассис:  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилымы: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажим — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
4204 нуссада босилди. Қўроғ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиққиди.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамайти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилинишигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-маънавият акциядорлик компанияси бошқармачиси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.